



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН САУДИЯ АРАБИСТОНИДА БЎЛАДИ

Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё – Қўрғаз араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши” форматдаги биринчи саммитда иштирок этиш учун жорий йил 18-19 июль кунлари Жидда шаҳрида бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувда Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Баҳрайн Подшоҳлиги, Қатар Давлати, Кувайт Давлати, Бирлашган Араб Амирликлари, Умон Султонлиги, Қозғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон раҳбарлари ҳамда кенгашнинг бош қотиби иштирок этиши кўзда тутилган. Кун тартибига мувофиқ, сиёсий,

савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади. Саммит доирасида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ў.А.

“ТошкентбошпланЛИТИ” халқаро мукофот соҳиби

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O'zbekiston bunyodkor” мухбири.

“ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК “GIS” Географик ахборот тизимини қўллашда эришган ютуқлари учун “ESRI” халқаро мукофотига сазовор бўлди.



Хар йили “ESRI” томонидан ўтказилган конференцияда компания президенти ва асосчиси Жек Дунгермонд фойдаланувчиларни “GIS”нинг махсус мукофотлари билан тақдирлайди. Бу сафар АКШнинг Сан-Диего шаҳрида бутун дунё бўйлаб 100 мингдан ортиқ фойдаланувчи орасидан 150 га яқин “GIS” қаҳрамонлари танлаб олинди. Ушбу таниқли фойдаланувчилар орасида Ўзбекистон вакиллари, шу жумладан, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК жамоаси ҳам борлиги қувонарли, албатта.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади давлатга очик ва яширин муаммоларни аниқлашда, шунингдек, шаҳарсозлик, аҳоли пунктларини иқтисодий ривожлантириш, ҳудуд экологиясини яхшилашда мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган рақамли ағзизак яратишдан иборат, – деди “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК Шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича бош директор ўринбосари Саидазим Шарипов. – Географик ахборот тизимини қўллаш орқали жамоамиз билан шаҳарсозлик, иқтисодий ривожланиш ва экология соҳасидаги турли қарорларнинг оқибатларини башорат қилиш учун маълумотларни таҳлил қилдик. Шу тариқа симуляциялар ўтказиш имконини берувчи рақамли моделни яратишга муваффақ бўлдик.

Дарҳақиқат, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК Ўзбекистонда шаҳарсозлик ва ривожланиш соҳасидаги етакчи ташкилотлардан бири ҳисобланади. ArcGIS Enterprise Advanced, ArcGIS GIS Server, ArcGIS Enterprise Image Server, ArcGIS CityEngine ва бошқаларни ўз ичига олган турли хил “ESRI” воситалари ва маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда институт жамоаси мураккаб бизнес муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиб келмоқда. Бунда уларга инновацион ёндашувлар қўл келмоқда.

Географик ахборот тизими технологиялари ёрдамида институт мутахассислари шаҳарнинг асосий режасини тузиш вақтини ўн баробар қисқартиришга, унинг ҳажмини тасаввур қилишга ва ривожлантириш қоидаларини яратишга муваффақ бўлишди. Шунингдек, улар ҳудудни режалаштиришнинг турли хил вариантларини ҳам моделлаштиришди. Қуёш панелларини ўрнатиш имкониятларини баҳолаш учун фазовий маълумотлардан фойдаланилгани ҳам бу борадаги катта ютуқлардан биридир. Шунинг ҳам таъкидлаш кераки, улар қурилиш руҳсатномалари тизимини автоматлаштириш орқали бу жараённи анча соддалаштиришди.

Ушбу лойиҳани амалга оширда жамоанинг ҳам ҳиссаси катта. Хусусан, лойиҳа раҳбари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Давронжон Адиллов, вазирик мутахассиси Алижон Алимўхамедов, “GIS” бўйича мутахассис Отабек Авезбаевлар ва “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК Шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича бош директор ўринбосари Саидазим Шариповларнинг билимлари, тажриба ва самарали иш фаолияти туфайли географик ахборот тизими соҳасида шаҳарсозлик ечимлари ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш кераки, жамоавий меҳнат ва ҳамкорликдаги ёндашув лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш ва географик ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда архитектура ва қурилиш санаятига инновацияларни олиб келиш имконини берди. Ушбу жамоанинг биргаликдаги савий-ҳаракатлари ва архитектура ҳамда қурилиш санаятининг келажagini яқинлаштиришга интилиши туфайли лойиҳа сезиларли натижаларга эришди ва “ESRI” томонидан тан олинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚИЁФАСИ КЕНГ КўЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИДА ЎЗ АКСINI ТОПМОҚДА



Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами жойларда фойдаланишга топширилаётган янгидан-янги объектлар, замонавий турар жойлар мисолида яққол кўзга ташланади. Бинобарин, кунда кунора юртимизнинг қайсидир манзилида янги турар жой ёки ишлаб чиқариш объекти қуриб битказилганига оид хабарларни эшитяпмиз, кўряпмиз, ўқияпмиз. Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишлаётгани ҳам бор гап.

3-7 июль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган “Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат” мавзусидаги халқаро шериклик ташаббуслари ҳафта-лиги доирасида бир неча тадбирларнинг шу соҳага бағишлангани ҳам бежиз эмас. Бу бугун Ўзбекистон қурилиш соҳасида бўлиб ўтган давлатлар сирасига киришидан далолат беради. Юртимиз қурувчиларидан ўрна-надиган жиҳатлар борлиги, шунинг учун келгусида алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Бугун мазкур соҳадаги ўзгаришлар

замонавий тамойиллар асосида тобора такомиллашиб бораётгани эса янада диққатга сазовордир. Яъни, Ўзбекистондаги бунёдкорлик жараёни яшил иқтисодиёт, урбанизация, қурилишда муқо-бил энергия, ва албатта, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ижтимо-ий сиёсатга йўғрилгани билан алоҳи-да ажралиб туради. Мамлакатимиздаги ҳозирги қурилиш индустриясини ана шу омилларсиз тасаввур қилиш мушкул. Шу жиҳатдан олганда, кейинги 6 йилни соҳа-даги инкилобий бурилиш даври бўлди, десак арзийди. Шу давр ичида Ўзбекистон

Республикаси Президентининг соҳага доир 27 та қарор ва фармони, бошқа кўп-лаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани бунинг тасдиғидир.

Агар, 1991 йилдан 2016 йилгача 2 000 га яқин қурилиш-пудрат ташкилоти фао-лият юритган бўлса, ҳозирги кунга кели-б улар сони 40 мингдан ошиб кетди. Урбанизация ҳисобига аҳоли сонининг кўпайиши, инфратузилма тармоқларида-ги хаддан ташқари юкнамалар, транспорт ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, тўтун – буларнинг барчаси шаҳарлар майдо-нини кенгайтиришни, одамлар яшаш учун қулай шароитга эга яшил шаҳарлар қурилиши тақозо этаётган эди. Шу боис, кўп хонадонли биноларнинг кўпаламзор-лаштириш майдони умумий объектнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги шаҳарсоз-лик норма ва қоидаларида қатъий белги-лаб қўйилди.

Фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизда қуёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинди. Шунинг-дек, худудларда аҳоли хонадонларига кичик қувватли қуёш панелларини ўрна-

тишни рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури амалга оширилмоқда. Жорий йилда 37 минг хонадонда кичик қувватли қайта тикланувчи энергия ман-балари қурилмалари ўрнатилди. Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажми 1,5 ба-робар оширилди. Биргина 2023 йилда 90 мингта уй-жой қуриш, бу борада икки йил аввал бошланган имтиёзли шартлар асо-сидаги ипотека кредити бериш тизими давом эттирилмоқда.

Республика шаҳар, шаҳарчаларнинг бош режаларини ҳамда қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳуж-жатларини ишлаб чиқиш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган дастур шакллантирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шаҳар-созлик фаолияти соҳасида давлат бошқа-руви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пункт-ларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси тайёрланди.

“Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак пойдевори”

Шерзод ХИДОЯТОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари.

Хабарингиз бор, ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев тантанали қасамёд қилиб, ўз лавозимига киришди. Юртимиз ва юрtdошларимиз тарихий воқеага гувоҳ бўлишди.

Тантанали маросимдаги Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Президент сайлови янгиланган Конституциямиз асосида ўтказилгани унга чинакам халқчил руҳ ва мазмун бағишлаганини таъкидлаб, “Олийжаноб ва бағрикенг халқимиз менга яна бир бор катта ишонч билдириб, буюк Ватанимиз тақдири учун бутун маъсулиятни ўз зиммамга олиш имконини берганини шу ҳақонли лаҳзаларда янада чуқур англаб, қалбим чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлмоқда. Шу билан бирга, бугун елкамга қандай улдувор масъулият олаётганимни, Ватанимиз мустақиллиги, 36 миллиондан зиёд азиз халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги учун шахсан жавобгар эканлигим юрак-юрагимдан ҳис этиб турибман. Мана шундай юксак ишонч учун, ҳурмат ва эътибор учун кўпмиллатли, мард ва донишманд халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан таъзим қиламан”, – деди.

Айниқса, муҳтарам Президентимизнинг “Айни вақтда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга, тадбиркор ва фермерларга, бунёдкор қурувчиларимизга, фидойи устоз ва мураббийларга, илм-фан, ижод ва санъат аҳлига, муҳтарам уламоларимизга, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш йўлида жонбоқли қўрсатган тиббиёт ходимларига, дунёдаги энг улуғ ва шарафли вазифани адо этатган жасур ҳарбийларимизга, барча Ватан ҳимоячиларига, жаҳон майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтаратган матонатли спортчиларимизга алоҳида раҳмат айтаман” деган сўзлари шу юртининг бир фуқароси, қолаверса, қурилиш соҳасининг вакили сифатида мени ҳам гоят тўқинлантирди.

Дарҳақиқат, бунёдкорлик азалдан қон-қонига сингиб кетган аждодларнинг авлоди сифатида бугун юртимизни янада тараққий эттириш, унинг замонавий қиёфасини муно-

сиб равишда яратишга бел боғлаганмиз. Бу буюк мақсадлар йўлида жавлон уриб хизмат қилаётган соҳа ходимлари шарафли касби билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Боиси, бугун қурилиш индустриясига юртимиз иқтисодиётининг энг йирик йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Соҳани яшил иқтисодиёт, урбанизация, қурилишда муқобил энергия, яшил ҳудудлар ва албатта, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги адолатли ижтимоий сиёсат каби омилларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, охириги 6 йил соҳада революцион қурилиш даври бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага доир 27 та Қарор ва Фармонлари қабул қилинди.

Яна бир гап, 1991 йилдан 2016 йилгача 2000 га яқин қурилиш пудрат ташкилотлари фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 40 мингдан ошиб кетди. Урбанизация ҳисобига аҳоли сонининг ортиши, инфратузилма тармоқларидаги ҳаддан ташқари юксалиш, транспортлар ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, тутун – буларнинг барчаси шаҳарлар майдонларини кенгайтиришни, одамлар яшаши учун қулай шароитга эга яшил шаҳарлар қуришни тақозо этатган эди. Эндиликда кўп хонадонли биноларнинг кўкalamзорлаштириш майдони умумий объектининг 25 фоизидан кам бўлмашлиги шаҳар-созлик норма ва қоидаларида қатъий белгилаш кўйилди. Бугунги кунда фойдаланишга топширилган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизда кўёш панелларни ўрнатиш талаби жорий қилинди. Шунингдек, ҳудудларда аҳоли хонадонларига кичик қувватли кўёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича “Кўёшли хонадон” дастури амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажми 1,5 баробар оширилди. Биргина 2023 йилда 90 мингга уй-жой қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борада икки йил



аввал бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш ишлари амалга оширилмоқда. Мана шу янгиланишлар билан уйғун кечаётган яна бир катта ислохот – маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш масаласидир. Шу мақсадда Президентимизнинг 2022 йил 2 октябрдаги “2022-2023-йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор ижроси билан ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминоти, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектиларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга киришилди.

Шу ўринда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш дастурлари доирасида амалга оширилаётган кен қўламли ишларнинг халқимиз ҳаётини ўзгартириб юборатган қудратли шукҳу ҳақида ҳам тўхталиш адолатдан бўлади. Гап шундаки, Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу ҳаётини ислохот бугун минглаб юрtdошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига туртки бўлди. Бугун обод маҳалла ва қишлоқларда янги ҳаёт

нафаси уфуриб, одамларни яхшиликлар сари ундамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони доирасида 38 та ҳудудда “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш жараёни изчил олиб бориляпти. Агар қурилиш жадал бошланган “Янги Ўзбекистон” массивлари инфратузилмасига, шакл-шамойилга эътибор берадиган бўлса, бу ерда инсон манфаати, унинг қадр ҳар нарсадан устун экани намойён бўлади. Жумладан, бундай массивларда кўп қаватли уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектилари комплекс тарзда қурилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Ҳар бир кун – бу имконият, ҳар бир кун – бу келажак пойдевори”. Бу ўз фаолиятимизни, келгуси режа ва мақсадларимизни мана шу талаб нуктаи назардан келиб чиқиб белгилаб олдик. Албатта, халқимизни рози қилиш йўлида ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Шундай экан, биз ўзимизга билдирилган ишонччи оқлаш учун бор имкониятимизни ишга солишим.

“Янги Ўзбекистон”ни биргаликда қураимиз!

G'alabangiz muborak bo'lsin!

Barno KUSHBAKOVA, Jizzax politexnika instituti
Qurilish materiallari va konstruksiyalari kafedrasasi assistenti.

Saylov kodeksiga asosan yurtdoshlarimizning faol ishtiroki bilan, ochiq va oshkoralik ruhida tashkil etilgan muhim siyosiy jarayon – muddatidan oldin bo'lib o'tgan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti saylovida Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasidan O'zbekiston Respublikasi Prezidentligiga ko'rsatilgan, munosib nomzod Inson hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmatini har narsadan ustun qo'ygan Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning saylangani bilan barcha yurtdoshlarimizni chin qalbidan tabriklaymiz!



Muhtaram Prezident, men o'ylaymanki, Sizning O'zbekiston Respublikasi Prezidenti etib saylanganingiz mamlakatimizdagi barcha fuqarolarimizning g'alabasidir. Ushbu siyosiy tadbir xalqimiz kelajagi, Vatanimizning ertangi kuni, istiqbolini belgilashda katta ahamiyat kasb etdi. Bu ovozlarni xalqimiz o'z hayotida sezgan natijalar va kelajakka ishonch uchun berilgan, deyaish mumkin. Chunki Sizning rahbarligingizda ulkan ishlar amalga oshirildi. Yangilanish kirib bormagan birorta soha qolmadi. Men orzu qilgan va qat'iy intilayotgan Yangi O'zbekiston, avvalo, xalqimiz o'z milliy taraqqiyotining yangi davriga qadam qo'yganini, bu borada oldimizda ko'plab yangi imkoniyatlar paydo bo'layotganini anglatadigan tushunchadir.

Yangi O'zbekiston – bu “Xalq manfaati hamma narsadan ulug'” degan ezgu g'oya amaliy ishlar bilan o'z tasdiqini topayotgan zamondir. Yangi O'zbekiston – “Xalq davlat idoralariga emas, davlat organlari xalqqa xizmat qilishi kerak!” degan hal qiluvchi tamoyil amalda o'z tasdiqini topayotgan mamlakat. Yangi O'zbekiston – kattalarga hurmat, kichiklarga izzat, madadga muhtoj insonlar va oilalarga bironakam ko'mak va yordam berish, mehr-oqibat ko'rsatish hayotimiz qoidasiga aylanib borayotgan ijtimoiy makondir. Prezidentimiz tomonidan davlat rahbari sifatida o'tgan yillar davomida ilgari surilgan g'oya, fikr va islohotlar zamirida mamlakatimiz yoshlariga bo'lgan yuksak ishonch yotibdi. Shunday ekan, bugungi kun yoshlari har tomonlama yetuk, bilimli, salohiyatli shaxs, komil inson bo'lishlari lozim va shart. Ana shunday ulardan nafaqat Vatani, ota-ona, xalq, balki yoshlikning o'zi ham rozi bo'ladi. O'ylaymanki, Siz tomoningizdan yoshlarga bildirilgan yuksak ishonchingizni, biz Jizzax yoshlari ham oqlashga va'da beramiz. O'z navbatida, xalqimiz farovonligini ta'minlash va yurtimiz ravnagiga qaratilgan ulug'vor maqsadlarni royobga chiqarishga, O'zbekistonning buyuk kelajagini barpo etishga mahkam bel bog'lab, el-yurtimiz faxrlanadigan, jonajon

Yangi O'zbekistonni barpo etishda Sizning yoningizda doim kamarbastamiz.

Kuni kecha o'tkazilgan qasamyod marosimida ham yurtboshimiz biz yoshlarga alohida murojaat qilib, shunday dedi:

“Aziz o'g'il-qizlaring, bugun tarixning o'zi, zamoning o'zi sizlarning oldingizda beqiyos imkoniyatlar ochmoqda. El-yurt koriga avvalo kim yaraydi? Albatta, sizlar! Yangi O'zbekistonni, Uchinchi Renessansi kim barpo etadi? Albatta, sizlar! Yurtimiz, xalqimizni kelajakka kim rozi qiladi? Albatta, sizlar! Xalqimiz, Vatanimiz sizlarga ishonadi. Sizlar O'zbekiston tarixiga oltin harflar bilan yoziladigan buyuk ishlarini amalga oshirishga qodirsiz. Yoshlik – g'animat, vaqt – g'animat, fursat borida o'tni qanchilang! Davlatimiz, xalqimiz yaratib berayotgan imkoniyatlarining qadriga yeting! Dunyoga o'z o'zingizni ayt! Izzanini va intilishdan aslo o'txtamang! Baxt va omad doimo sizlarga yor bo'lsin!”

Bu so'zlar biz yoshlarga yana kuch-g'ayrat va ulkan motivatsiya bag'ishlash aniq.

Hurmatli Prezident! Yana bir bor mamlakatimizda bo'lib o'tgan Prezident saylovida erishilgan g'alabangiz bilan chin qalbidan tabriklayman. Ma'rifatparvar bobolarimizdan biri Abdurauf Fitrat “Bir odamning saboti butun bir millatni islohit etishga qodir” deb ta'kidlagan edi. Shunday ekan, bugun tamal toshi qo'yilgan Yangi O'zbekistonda inson qadr-qimmatini, sha'ni oliy qadriyat, inson dard-u tashvishlari bilan yashash esa odamiylikning eng oliy namunasi sifatida qaralib, ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, kuchli va barqaror demokratik davlat barpo etish yo'lida Jizzax yoshlari nomidan kuch-quvvat tilaymiz!

Қатъий ишонч, мустаҳкам ирода ифодаси

Рустамжон ХОЖИБОЕВ, Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.

Давлатимиз раҳбарининг лавозимга киришиш маросимида сўзлаган нутқи республикамиз ҳаётидаги янги босқични бошлаб берди, десам хато бўлмайди. Боиси, унда мамлакатимиз келажакга оид энг муҳим масалалар белгилаб берилди. Жумладан, Янги Ўзбекистонни барпо этишда халқимиз якдиллигини, жипслигини таъминлаш ғояси олға сурилди. Бу бежиз эмас, албатта! Зеро, янги даврга қадам қўяр эканмиз, дунёқарашимиз, фикримиз, ҳулосамиз ҳам янги ҳаётга бўлиши керак. Бунинг учун энг аввало, ҳамюртларимизнинг сиёсий, ижтимоий фикрини шакллантирибгина қолмасдан, уларнинг фикрига асосан муҳим масалалар дастурини белгилаш даркор.

Президентимиз ўз маърузаси давомида бундан кейин эскича яшаб бўлмашлигини, янги, бетакрор ва давлатимиз келажак учун истиқболли бўлган ғояларни, ташаббусларни юзага чиқариш муҳимлигини таъкидлади. Бу борада ёшларга бўлган ғамхўрликни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу бежиз эмас, албатта!

Хабарингиз бор, сўнгги йилларда бу борада амалга оширилган ислохотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бера бошлади. Ийgit-қизларимиз жаҳон майдонда ўз билими, иқтидори ва тафаккури билан ривожланган давлатлардаги тендoшлари билан баҳсга киришдилар. Бу ҳам бўлса юртимизда илм-фаннинг тараққий топа бошлаганидан,

фарзандларимизнинг тўғри йўлда эканлигидан далolatдир. Бундан буён бошланган шу каби хайрли ишлар ижобати, табиийки, ҳар бир соҳа тараққийида муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси халқимиз келажакга бўлган қатъий ишонч, мустаҳкам ирода, мақсадли манзил сари дидил одим ифодаси бўлди, десам муболаға бўлмайди. Келгуси етти йил давомида амалга оширишимиз муҳим бўлган масалалар ижобатидан ушбу маъруза асосий дастуриламал вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида янги турар жой мажмуаларини барпо этиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган ишлар кўлами янада ортди. Худди шундай, Андижон вилоятида ҳам қад ростлаётган “Янги Андижон” шаҳарчасида жаҳон андозаларига мос биноларни қуриш ва бу борада хорижий ҳамкорлар тажрибасидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лойиҳа тўлиқ фойдаланишга топширилгач, 121 минг нафар ҳамюртларимиз ўз уйларига эга бўладилар.

Бу вилоятдаги бунёдкорлик ишларидан бир мисол холос. Бу каби қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бугунги кунда Андижоннинг барча туман ва қишлоқларида амалга оширилиб, халқимизнинг фаровон яшаши учун муносиб замин яратилмоқда.

Президентимиз қасамёд маросимида “Ҳаётимизнинг маъно-маъинига айланган буюк мақсад – Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида сизлар билан, бутун халқимиз билан бирга тинимсиз ишлашга, бор куч-ғайратимиз, билим ва салоҳиятимизни сафарбар этишга тайёрман. Мен билан бир сафда сизлардек азиз қадрдонларим, дуоғуи отахон ва онақонларимиз, азамат ака-укаларимиз, меҳрибон опа-синглиларимиз, азму шижоатли ёшларимиз борлиги менга битмас-туганмас куч-ғайрат, руҳ ва илҳом беради. Ишончим комил, барчамиз биргаликда Янги Ўзбекистонни – инсон қадрни устувор бўлган жаҳият ва халқпарвар давлатни албатта қураимиз!” деб таъкидлагани айниқса, барча юрtdошларимиз катори биз андижонликларни ҳам зиммамиздаги вазифани янада собитлик билан бажаришга ундади десам, муболаға бўлмайди.

Самарқанднинг Сартепасида ўзгариш катта



Ҳамза ШУКУРОВ, “O'zbekiston bunyodkori” муҳбири.

Кўҳна Самарқанд бағридаги Сартепа гўшаси йилдан-йилга ободонлашиб, чирой очмоқда. Бу ерда аҳоли фаровонлиги учун барча шароитлар яратилляпти. Худудда беш ва тўққиз қаватли турар жойлар бисёр бўлиб, якка тартибда ҳовлилар ҳам анчагина. Шунга мос равишда ижтимоий иншоотлар, хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилган. Мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, тиббиёт муассасалари, ширкатлар, савдо ва маийш хизмат шохбчалари ишлаб турибди. Мустақиллик даврида улар сони янада ошди, сифат жиҳатдан яхшиланди.

Кейинги йилларда эса масканда аҳоли талаб-эҳтиёжи ҳар томонлама ҳисобга олиниб, улар учун янада қулай шароит яратишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Эндиликда бу иш вилоят ва шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг асосий эътиборидаги ва-

зифага айланган. 30 мингдан ортқ киши яшаيدиган бундай йирик аҳоли масканини янада ободонлаштиришни, тараққий эттиришни эса даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Қолаверса, Янги Ўзбекистонни барпо қилиш ҳам шундай масалалар ижроси, уларнинг амалда бажарилиши билан ўз-

вий боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентликка сайланган Шавкат Мирзиёев “Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси, ҳаётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари тубдан ўзгармоқда. Халқимиз биз орзу қилган ўзгаришларнинг дастлабки неваларидан баҳраманд бўлмоқда”, деганида ана шундай манзиллар назарда тутилган шубҳасиз. Бу ерда барпо этилаётган кўплаб иншоотлар, аҳолига яратиб берилатган шароитлар шундан далolatдир.

Шу кунларда Сартепада вилоятдаги энг муҳташам, гўзал ва йирик бинолардан яна бири – “Darjilina Hall” маийш хизмат маркази бунёд этилаётгани фикримизга ёрқин мисолдир. Тажрибали меъмор Убайдулла Ортиқов раҳбарлигидаги “Хиллол лойиҳа” хусусий корхонаси маъмур иншоот лойиҳасини шу қадар синчковлик билан тайёрлагани, буни бугун мажмуа кўрқига назар солиб аққол сезасиз.

– Ҳозирги кунда лойиҳада кўрсатилган сўнгги юмушлар бажарилляпти, – деди пудратчи ташкилот “Improtex story”. МЧЖ иш юритувчиси Шерзод Рўзиев. – Йил охиригача ички таъмирлаш ва безатиш ишларини ниҳоясига етказиш режалаштирилган. Бунинг учун барча шароитлар етарли, Айтиш жоизки, мукамал лойиҳада кўрсатилган ишларни амалга оширишда барча талабларга қатъий риоя қилинмоқда. Жумладан, иншоотнинг замонавий бўлиши билан бирга, унда миллил аънъаналар кенг фойдаланилганлиги диққатга сазовор.

Мазкур маскан беш қаватдан иборат бўлиб, ундан юзлаб савдо дўконлари, дорихона, қизикarli уйингоҳлар, экобозор, эконопарк, ресторан, кафе, автотураргоҳ, маийш хизмат шохбчалари ўрн эгалайди. Эътиборлиси, мажмуа ишга тушгач, бу ерда минг нафар йигит-қиз иш билан таъминланиши кўзда тутилган. Тезорар лифтлар, мебеллар бюртма асосида Хитой ва Туркия мамлакатларидан олиб келинмоқда.

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Муқобил энергия – тежамкорлик гарови

Шухрат НОРМУРОДОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Маълумки, бугун бутун дунё бўйлаб қурилишдаги бир қатор қондалар ўзгармоқда, соҳага энергия ресурсларини тежовчи технологиялар кириб келмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу янгиликлардан мустасно бўлмаган ҳолда, мамлакат бўйлаб, энергия ресурсларини тежайдиган биноларни қуриш ишлари жадаллик билан кетмоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам энергия ресурсларига тушаётган юкларни юмшатиш, муқобил чоралар кўриш мақсадида кўпгина муассасалар муқобил энергия ресурсларига ўтпти.



ли 90 физ энергия тежалётган бўлса, тез орада қўшимча ускуналар ўрнатиш орқали 100 физ электр тежалишига эришилади.

Бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир худудда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-57-сонли қарори ижроси юзасидан амалий ишлар олиб борилаётган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ҳузор тумани ҳокимлиги вакиллари худуддаги автомобилларга сиклиган газ қуйиш шохобчаси (метан заправкалар) раҳбар ва иш юритувчилари билан қўш панеллари ўрнатиш, унинг қулайликлари бўйича тегишли кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг, қисқа вақт давомида 4 та газ шохобчасига ҳар бири 5 кВт қувватли панел ўрнатилди. Бундан ташқари яна 4 та газ шохобчасига панеллар ўрнатиш ишлари бошланди.

Шунингдек, Нишон туманида қуввати 500 мегаватт бўлган қўш фотозлектр станцияси қурилади. Мазкур лойиҳага чет эллик сармоядор – Хитойнинг "China Gezhouba Group Overseas Investment Co., Ltd." компанияси томонидан дастлабки баҳолаш бўйича жами 350 миллион АҚШ доллар миқдорига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилади.

Жорий йилнинг 14 июни кунин Президентимиз "Қашқадарё вилоятининг Нишон туманида қуввати 500 МВт бўлган қўш фотозлектр станциясини қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чо-

ра-тадбирлари тўғрисида" қарорини қабул қилди. Унда акс этган маълумотларга қараганда, ушбу лойиҳа доирасида шу йил 29 апрель кунин хорижий инвестор ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўртасида инвестиция битими имзоланган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, "China Gezhouba Group Overseas Investment Co., Ltd." компанияси инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг бутун даври нобайнида Нишон туманида қуввати 500 мегаватт бўлган қўш фотозлектр станциясини лойиҳалаштиради, молиялаштиради, қуради ва эксплуатация қилади. Шунингдек, юзга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ўз зиммасига олган ҳолда, юқорида қайд этилган миқдорда хорижий сармоя жалб этади.

Айни пайтда қарорда "China Gezhouba Group Overseas Investment Co., Ltd." компанияси ва "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ ўртасида электр энергиясини сотиб олиш тўғрисида битим имзоланганлиги ҳам маълумот учун қабул қилинган. Ушбу битимга мувофиқ, хорижий инвестор лойиҳа компаниясини ташкил этиб, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларида унинг фойдасига воз кечади ва лойиҳа доирасида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини ўзбекистонлик ҳамкорига сотишни кафолатлайди. Ўз навбатида, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ янги қўш фотозлектр станциясини ягона электр тармоқларига улаш учун ҳаво электр узатиш линиясини барпо этиш ва инвестор томонидан этиказилган электр энергияни 25 йил давомида кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Электр узатиш тармоқлари қуриляпти

Бехзод АҲМАДКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Президентимизнинг 408-сонли қарори ва яна бир қатор давлат дастурлари ижросини таъминлаш, худудларда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, хусусан, аҳолига барқарор электр энергияси етказиб бериш бўйича "Худудий электр тармоқлари" АЖ Сирдарё худудий филиали томонидан амалий ишлар давом этмоқда.



Хусусан, Ховос туманининг "Оқ чангал" МФИга 85 донна темир-бетон устун олиб келиниб, 10 км масофада электр узатиш тармоқлари ва 2 донна 160 кВА қувватдаги янги трансформатор ўрнатиш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда. Ушбу ишлар якунига етгач, хонадонлар сифатли электр энергияси билан таъминланади.

Бундан ташқари, "Худудий электр тармоқлари" АЖ Сирдарё худудий филиалининг Юқори кучлинишли тармоқлар хизмати ходимлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Улар ҳар қандай шароитда аҳолига сифатли электр энергияси етказиб бериш йўлида меҳнат қилишмоқда. Жумладан, ходимлар М-39 автомобиль йўли кесимида жойлашган Л-110 кВ кс-3 А юқори кучлинишли ҳаво электр узатиш тармоқларининг эстетик ҳолатини яхшилаш мақсадида бўяш ва жорий таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Аҳоли билан ижтимоий мулоқот ўтказилди

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 июлдаги ПҚ-325-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қораўзақ туманидаги "Қойбақ" ОФЙ "Қарагай" массивида "Тебинбулоқ" кони асосида кон-металлургия комплексини қуриш лойиҳаси бўйича ижтимоий мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқотда лойиҳа раҳбарлари, соҳа мутахассислари, эколог олимлар, жамоатчилик вакиллари, Қораўзақ тумани фаоллари ва нурунийлар иштирок этишди. Туман фаоллари ва нурунийлар лойиҳа бўйича

ўз фикрлари билан ўртоқлашиб, "Тебинбулоқ" конини ўзлаштириш асосида қурилиши олиб борилаётган кон-металлургия комплексининг қурилиш-монтаж ишлари билан таъминлаш

"Тебинбулоқ" карьеридан кон-металлургия комплексини қуриш ишларини "Триангул-металл Тебинбулоқ" компанияси олиб бормоқда. Компания 2023 йилнинг 1 июнидан бошлаб таъриба участкасида тоғ жинсларини қазиб олиш ишларини бошлади. Лойиҳа бўйича конда 1,5 млрд тонна темир рудаси захиралари мавжуд бўлиб, йилга 58 млн тонна руда қайта ишланади. Руда таркибидаги темир микдори 12,6 фоиздан иборат.

Яқин келажакда ушбу қурилиш объектда 5 000 та янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, бу ерда ўн минг аҳолига мўлжалланган шахарча қуриш ҳам режалаштирилган.

Банк учун янги бино

Нукус шаҳрида "Саноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки Қорақалпоғистон Республикаси худудий офисининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг "2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4889-сонли қарори асосида банк томонидан умумий ҳажми 2,4 трлн сўмлик 185 та лойиҳани амалга ошириш режа-

лаштирилган. Бугунги кунда ушбу лойиҳаларнинг 160 таси ишга туширилиб, 2 500 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Айтиш жоизки, замонавий архитектура талаблари ва стандартлари асосида қуриб битказилган банк офиси нафақат халқимиз, балки чет эллик



инвесторлар учун ҳам ҳар томонлама қулайликларга эга.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Бозорлар сони яна биттага ортади

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугун қайси бир гўшага борманг, бозорларни тўқин-сочинлигидан кўнглингиз тоғдек кўтарилди. Расталарда юртимиз тузроғида етиштирилган сарҳил мевалар, поллиз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари кўзингизни қувнатади. Бугун бозорга борган харидор, албатта, арзон ва сифатли маҳсулот ахтариши табиий. Шунингдек, ўша маҳсулот сотилаётган жойга ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Урганч шаҳри деҳқон бозорининг ёнгинасида катта савдо мажмуаси ишга туширилиш арафасида. Ушбу

бинонинг пастки қисмида эндилик-ёнгинасида катта савдо мажмуаси ишга туширилиш арафасида. Ушбу

хизмат кўрсатувчи бу объект келгусида ўзининг озода, санитария-гигиена талабларига жавоб бериши билан аҳамиятлидир.

"Есобозог"нинг ишга туширилиши вилоятимиз бозорлари ўртасида рақобатни пайдо қилиб, нарх-навонинг барқарор бўлишига хизмат қилади. Мазкур бозор 24 соатлик иш режимида фаолият олиб бориши режалаштирилган. Бозор 750 та растадан иборат бўлиб, у ерда 750 нафар тадбиркор ўз маҳсулотлари билан савдо қилади. Бозор ишга тушиши билан 200 та иш ўрни яратилиши ҳам кўзда тутилган.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

Июль ойининг шу ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Хўжалик ишлари бўлими лифтири Акрам Нуралиев, Мақсадли дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва бюртмачи хизматлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Зоҳид Халиқов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ижро интисоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Мухлис Мирходжаева,

"Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти директори Илҳон Аҳмедов,

"Ташгипрогор" АЖ 3-сонли дизайн сектори 1-тоифали муҳандис Шавқиддин Шухратов, Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси Хуршид Дўсбоев,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-коммунал хўжалиги вазирлиги бухгалтери Мурат Тажидиев, Тахиташо тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектор Акылбек Бегжанов, Эллиқалъа тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги – туман бош архитектори Нейматжан Қулумбетов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси етакчи мутахассислари Алияр Орақбаев, Азамат Адилбаев, етакчи инспектор Эргаш Бабаев,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси таркибидаги Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандис-қурувчиси Мирзохусан Ҳасанов, Навоий вилояти, Хатирчи тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги Воҳиджон Мизонов,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси юрис-консулти Илҳониддин Маматов, Пайариқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги Улғубек Қуватов,

Сирдарё вилояти, Оқолтин тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги Абдулатиф Қудратов, Ховос тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўйича мутахассиси Машраб Аҳмадқулов,

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор Иброҳимжон Садриддинов, Оққўрғон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги – бош архитектор Ойбек Ҳабибуллаев,

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бўлим бошлиги Рустам Раҳматуллаев,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиги Баҳодир Каримов, Кўшқўпир тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор Эрали Отажонов,

Андижон вилояти, Бўстон туманидаги "Бўстон шинам уйлар бошқаруви" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Ёсинбек Адиллов,

Наманган вилояти, Давлатобод туманидаги "Тигант Коммунал Сервис ПБТ" МЧЖ бош директори Валихон Мавлонов,

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳридаги "Нуриддин қурилиш" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Учқун Аббасов,

Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманидаги "Бек Ибрагимов ПБК" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Мақсуд Рузимов,

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги "Акбаробод ифтихори" МЧЖ бошқарув компанияси бош директори Мирҳосил Мухамеджановларни таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚУМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Таҳрир хайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Жалол Арашов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Ҳўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Махкамов
Мусахҳиҳ	Марҳамат Мусулмонқулова

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
Наширёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100035, Тошкент шаҳри,
Ниязбек йўли кўчаси, 1-уй.
Телефонлар:
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 91-479-55-11.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 99-831-11-15.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бюртма – Г-737.
1643 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси маъсул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 21.30.
Топширилди – 22.00.